

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олиниди
№ МОз-90
2019 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирининг
2019 йил “2” маёдур даги
1023-сонли бўйрги билан
тасдиқланган

“Банк иши”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўкув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашималар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг

2019 йил 18.10. даги 5 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

- Тузувчилар:** “Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. И.Саифназаров, ф.ф.д., проф. М.Қаххорова, с.ф.д., доц. Т.Алимардонов.
“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқукий хужжатлари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. Х.Тўйчиева, доц. в.б. А. Раҳмонов.
“Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш” модули: п.ф.д., проф. Н.Муслимов, п.ф.д. М.Мирсолиева, п.ф.ф.д. Г.Ибрагимова, катта ўқитувчи Р.Ишмуҳамедов, А.Тураев, М.Матназарова, Н.Хақназарова, М.Инназаров, Д.Кушарбаев.
“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш” модули: п.ф.д., проф. Ф. Зокирова, п.ф.ф.д.(PhD) М.Файзиева, п.ф.ф.д. (PhD) Т.Шоймардонов, ўқитувчилар А.Обидов, И.Чориев, А.Хошимов, Ф.Отамуродов.
“Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” модули: катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, Ш.Файзуллаева, У.Гиясова.
“Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари” модули: т.ф.д., проф. А.Юлдашев, п.с.ф.н. Х.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.
Маҳсус фанлар бўйича: и.ф.д., проф. Т.Бобоқулов, и.ф.н., доц. И.Р.Тоймуҳамедов, и.ф.н., доц. Р.А. Тожиев, и.ф.н., доц. Ф.Насреддинов, и.ф.н., доц. Б.К. Тухлиев, и.ф.н., доц. Х.А. Қурбонов, PhD А.Т.Ағзамов.

- Тақризчилар:** Нарусе Жиро – хорижий эксперт, Япония, JICA ташкилоти
Ш.А.Тошматов – ДБА, “Монетар ва фискал сиёсат” кафедраси профессори, и.ф.д.

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2019 йил 30.08 даги 1-сонли баённома).

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш ҳамда амалиётга жорий этиш кўнкимларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-хуқуқий ҳужжатлари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва карор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишида замонавий таълим технологиялари.

III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш.

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

3.2. Банкларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил.

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари.

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

5.2. Банк рискларини бошқаришда қарорларни қабул қилиш

VI. Махсус фанлар

6.1. Замонавий банк иши.

6.2. Халқаро банк иши ва молия.

6.3. Замонавий пул-кредит сиёсати.

6.4. Инвестиция сиёсати.

VII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

Курснинг **вазифалари** қўйидагилар киради:

“Банк иши” йўналишида педагог кадрларнинг замонавий касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Банк иши” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- замонавий банк тизимининг таркибини;
- замонавий банк ишини амалга оширишнинг хуқуқий асосларини;
- мижозларга кўрсатиладиган чакана хизматларни;
- банкларнинг инвестицион фаолиятини;
- электрон банк тизими ва масофадан хизмат кўрсатиш тизимини;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини;

- халқаро молия хусусиятларини ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини;
- халқаро молия тизимининг афзалликларини;
- валюта тизимини элементларини;
- жаҳон валюта тизимининг ўзига хос хусусиятларини;
- АҚШ банк тизимини ривожланишини;
- Европа банк тизими ва тўлов тизимини;
- замонавий пул-кредит сиёсатига таъсир қилувчи омилларни;
- фискал сиёсатнинг замонавий пул-кредит сиёсатига таъсирини;
- расмий олтин-валюта заҳираларининг вужудга келиш шарт шароитларини;
- инвестициялар ва инвестицион фаолиятнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни;
- инвестицион фаолиятни тартибга солишда давлатнинг бош ўрин эгаллашини ***билиши керак***.

Тингловчи:

- тижорат банкларида инновацион банк хизматларини такомиллаштириш;
- янги банк хизматларини жорий қилиш ва банк хизматлари бозорида рақобатдошлигини таъминлаш;
- истеъмол кредитида скоринг тизимини жорий этиш ва бошқариш;
- заҳира валютанинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиш;
- Евровалюта бозорининг кенгайиш ва хорижий банк бўлинмаларининг кўпайиш сабабларини баҳолаш;
- Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш омилларини таҳлил қилиш;
- инфляция кўрсаткичларини баҳолаш;
- давлат инвестицион сиёсатини фаоллаштириш;
- Ўзбекистонда худудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш;
- инвестицион мұхитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш тартиблари каби ***кўникмаларига эга бўлиши лозим***.

Тингловчи:

- Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш хусусиятларини аниқлаш ва асослаш;
- мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда халқаро молия институтлари тадқиқи қилиш ва баҳолаш;
- Ўзбекистоннинг халқаро валюта фонди билан алоқаларини ривожлантиришни йўлларини башоратлаш;
- Пул массасининг ўсиш кўрсаткичидан оралиқ мақсад сифатида фойдланишнинг тариби, афзалликлари, камяиликларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни давлат томонидан тартибга солинишини асослаш;
- инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солинишини исботлаш ***малакаларига эга бўлиши зарур***.

Тингловчи:

- банк ишини ташкил этишнинг замонавий тенденциялари ва стратегияларини, стратегик бошқарув ва маркетингини қўллай олиш;
- жаҳон амалиётидаги банк технологияларини Ўзбекистон Республикасида қўллаш ва истиқболини белгилаш;
- жаҳон тараққиёт ва тикланиш банкининг халқаро фаолиятини қўллай олиш;
- мамлакатда пул айланишини ташкил этиш, иқтисодиётда инфляцион ўсиш сабаблари, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш мақсадидаги чоратадбирлар усулларини амалиётга қўллаш;
- халқаро молия ва банк амалиётида инновацион банк хизматлари, уларнинг имкониятлари ва мамлакат банк тизимиға жорий этиш муаммоларини бартараф этиш;
- корхоналарнинг инвестицион сиёсатини ишлаб чиқиш;
- инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш каби **компетенцияларга эга бўлиши зарур.**

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўкув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажралмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўкув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

«БАНК ИШИ» ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

I. ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ НОРМАТИВ ҲУҚУКИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ўзбекистоннинг миллий тикланишдан миллий юксалиш босқичида олий таълим вазифалари.

Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий тикланиш босқичида жамият ривожи ва таълим-тарбия соҳасидаги амалга оширилган вазифалар. Ўзбекистоннинг мустақил демократик тараққиёт йўли. Миллий тикланиш босқичи ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ривожида демократия моделларининг хилма-хиллиги. Мамлакатимизда демократик ислохотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Мустақил демократик тараққиёт йўлида эришилган ютуқлар ва муаммолар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида ва унинг амалий, конструктив характери. Ўзбекистон тараққиётининг миллий юксалиш босқичида ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши ва унинг устувор йўналишлари. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилсин” ғояси. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилиши – мамлакатимизда демократик ислоҳотларни жадаллаштиришнинг муҳим омили сифатида. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-Сессиясидаги нутқининг асосий йўналишлари.

Маъмурий ислоҳотлар концепцияси. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим, Халқ таълими ва Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари. Ўзбекистон Республикасида Оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ижтимоий ривожланишнинг устувор вазифалари.

Илм-фан ва таълим-тарбия – демократик жамият ривожланишининг энг зарурий асоси. Талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш принциплари. Ёшлар, оила, маҳалла, дин ва хотин-қизлар масалаларига оид давлат дастурларининг асосий йўналишлари. БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенцияси. Халқаро нормалар ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқ аёлларнинг ҳуқуқларини таъминлашда Хотин-қизлар қўмитасининг роли ва ваколатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташабbusи.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлари.

Жамиятда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш. Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш ҳамда олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари.

Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва унинг олдини олиш омиллари. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари. Таълим

муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари. Халқаро меҳнат ташкилоти. Ўзбекистоннинг Халқаро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлиги. Ўзбекистон ратификация қилган Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари. Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг инсон ҳуқуқлари. Гендер муаммолари ва ўқув жараёнида гендер-дифференцияланган хулқ-атворнинг таъсирини ҳисобга олиш масалалари.

Қонунисти ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, Кадрлар тайёрлаш тегишли таълим (ихтисос) йўналиши бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамойиллари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби, таълим сифати назорати.

Таълим жараёнини ташкил этишда норматив-хуқуқий ҳужжатларни қўллаш амалиёти ҳамда раҳбар ва педагог кадрларнинг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги.

II. ИЛГОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ

2.1. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.

Педагогика ва касб-хунар бўйича муомала қилиш назарияси ва амалиёти. Таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти.

Инновацион жараёнлар ривожининг замонавий тенденциялари. Таълим сифатини оширишда ўқитувчининг инновацион фаолияти. Инновацион таълимда илгор хорижий тажрибалар интеграцияси. Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Ўқув режа ва фан дастурларини такомиллаштириш. Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисослари бўйича ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг замонавий методлари. Ўқув машғулотларининг ҳар хил турларини ўтказиш

методикаси. Талабаларда танқидий фикрлашни шакллантириш, мустақил ишларини ташкил этиш. Иқтидорли талабалар билан ишлаш.

Педагогнинг креативлиги инновацион таълимнинг муҳим омили сифатида. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари: кейс стади, лойиҳавий таълим, витаген, скампер, дизайн фикрлаш, синергетик таълим ва портфолио технологияларининг дидактик аҳамияти.

Педагогнинг инновацион фаолият натижаларини баҳолашга тизимли ёндашув. Педагогик фаолият натижаларининг сифат индикаторлари. Педагогнинг мустақил ўзини-ўзи касбий ривожлантириш стратегиялари. Педагогик квалиметрия.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишида замонавий таълим технологиялари.

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими самардорлигини оширишга нисбатан технологик ёндашувнинг зарурлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида маълумотларни таркиблаштириш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида маълумотларни таҳлил қилиш, солишириш ва таққослашнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш. Иқтисодий фанларни ўқитишида муаммо вазифаларини режалаштириш.

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар илфор тажрибалари. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим мухити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Кўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тадбиқ этилиши.

Кейс-стади технологияси моҳияти, унинг яратилиш тарихи. Кейс-стади технологиясини умимий тавсифи ва уни таълим жараёнига татбиқ этишининг дидактик аҳамияти. Кейс-стади технологиясини таълим жараёнига самарали татбиқ этиш шартлари. Кейс-стади технологиясининг таркибий тузилмаси ҳамда ўзига хос дидактик хусусиятлари. Кейслар типологияси. Кейсларни яратиш методикаси.

Ўқув жараёнининг норматив-хуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал хужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

III. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштириш.

Ахборот – коммуникация технологиялари ва уларни таълим жараёнида қўллашнинг дидактик имкониятлари, ахборот тизимлари, шахснинг таълим, тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимлари. LMS тизимлари – педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини такомиллаштиришнинг воситаси. Web-технологиялар, унинг хусусиятлари ва таълим жараёнида фойдаланиш. Булутли технологиилар. Google булутли хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Педагогик дастурий воситалар (AutoPlayMedia Studio, CourseLab, iSpring Suite, Hot Potatoes ва бошқ.) дан фойдаланиб мультимедиали ўқув курсларини яратиш.

Медиакомпетентлик, педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Mendeley тизимлари асосида такомиллаштириш.

3.2. Банкларда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Банк автоматлаштирилган ахборот-коммуникацион тизимлари ва технологиялари. Банк автоматлаштирилган ахборот тизимларининг техник ва дастурий таъминоти. “Мижоз-сервер” архитектураси. Интеграциялашган банк ахборот-коммуникацион тизимлари таркибий тузилиши. Банкларда ахборот технологияларининг дастурий таъминоти. “АСБТ-Банк”, “ИАБС”, “NCI” ва бошқа аналогик дастурий таъминотлар мажмуаси. Банк тизимининг модуллари ва улар орасидаги ҳисоб-китобларни автоматлаштириш.

Банклар Интернет тармоғидаги веб-сайтлари, интерактив хизмат турлари ва улар асосида банк хизматларини кенгайтириш. Банклар томонидан таклиф қилинадиган банк хизматларининг асосий рўйхати. Масофавий хизмат кўрсатиш тизимларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг меъёрий-хуқуқий асослари. Банк ҳисобваракларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари: «Банк-мижоз» тизими, Интернет-банкинг, Мобил ва SMS-банкинг тизимлари.

Пластик карточкалар билан ишлаш технологияси. Пластик карточкалар асосида электрон тўловларни амалга ошириш технологиялари. Банк пластик

карталари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими. Онлайн пластик карта хизматларини такомиллаштириш чора-тадбирлари. Замонавий ахборот-коммуникацион тизимлари асосида Uzcard чакана тўловлар тизимини ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат” тизими доирасида замонавий банк тўлов тизимларини, шу жумладан, чакана тўловларларни интеграциясини таъминлаш. Чакана тўловларларни реал вақт режимида амалга оширишни таъминлаш, тегишли клиринг ва биллинг тизимларидан фойдаланишни кенг татбиқ этиш.

Банк фаолиятида электрон ҳужжат алмашув тизимини такомиллаштириш. Банкларда ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш шароитида хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш.

IV. АМАЛИЙ ХОРИЖИЙ ТИЛ

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўрганишдаги замонавий ёндашувлар. Коммуникатив методлардан самарали фойдаланиш. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика – B1, B2). Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урфодатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш). Соҳага йўналтирилган тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитишни лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий мақолаларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш. Тил кўникмалари диагностикасининг ассесмент технологиялари.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар, тили ўрганилаётган мамлакатлар маданияти ва анъаналари, Ўзбекистон ҳақида, мамлакатимизнинг машҳур инсонлари тўғрисида қисқача маълумот, резюме тўлдириш, оммавий ахборот воситалари, маданий ҳордик, телефонда суҳбат, саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, кашфиётлар, санъат, фан ва таълим соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

V. ТИЗИМЛИ ТАХЛИЛ ВА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг замонавий технологиялари.

Тизим, тизимли таҳлил ва тизимли ёндашувнинг мазмун-моҳияти. Олий таълим тизими: таркиби, мақсад ва вазифалари. Педагогик жараён ва унинг тузилмавий асослари. Ўқув фанлари мазмуни ва уларни ўқитишдаги изчиллик асослари. Педагогик фаолиятда муаммолар: бакалавриат ва магистратура таълим дастурларида изчиллик ва мослашувчанликни ташкилий ва методик таъминлаш; кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш; кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатадиган омиллар; таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш; иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методлари. Тизимли фикрлаш.

Педагогик тизимда таҳлилий фаолият. Аналитик ва сифатли усуллар. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил усуллари.

Қарор қабул қилишнинг мазмун-моҳияти, тамойиллари ва унга нисбатан бўлган ёндашувлар. Педагогик жараёнда қарор қабул қилишга қуйиладиган талаблар, унинг турлари ва психологияк жиҳатлари. Педагогик фаолиятда қарорнинг шаклланиши, қабул қилиш босқичлари ва ижросини таъминлаш. Олий таълимда менежмент ва маркетинг асослари.

5.2. Банк рискларини бошқаришда қарорларни қабул қилиш.

Банк рисклари, уларнинг банк фаолиятига таъсири. Банк рискларининг тавсифланиши. Банк рискларни баҳолашнинг асосий усуллари. Умумий рисклар ва уларни баҳолаш усуллари. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида тижорат банкининг ликвидлилик рискини бошқариш. Кредит ва фоиз рисклари. Фоиз ставкасини бошқариш усуллари. Банк рискларнинг асосий турларига қиёсий тавсифнома, уларнинг ўзаро боқлиқлиги ва фарқлари.

Кредит риски, унинг юзага келиш шароитлари. Кредит рискларини баҳолаш. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида кредит рискларининг олдини олиш усуллари. Қарз олувчининг фаолияти билан олдиндан танишиш. Мижознинг пул оқими ва молиявий коэффицентларини таҳлил қилиш. Лойиҳани техник-иктисодий жиҳатдан таҳлил қилиш, кредитларнинг мақсадлилиги ва тўлаш манбалари. Мижознинг кредитга лаёқатлилик кўрсаткичлари ва уларнинг кредит рискларини камайтиришдаги ўрни. Жаҳон амалиётида кредит рисклар ва уларни бошқариш усуллари.

Банк рискларини бошқариш стратегияси. Банк рискларини бошқариш усуллари. Диверсификация, суғурталаш, кредитнинг таъминланганлиги, гаров,

кафолатлар, валюта рисклари ва уларни хеджерлаш. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида банк рискларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари.

VI. MAXCUS ФАНЛАР

6.1. Замонавий банк иши.

Замонавий банк тизимининг таркиби. Банк тизимининг иқтисодиётдаги асосий вазифалари. Замонавий банк ишини амалга оширишнинг хуқуқий асослари.

Тижорат банки фаолиятининг самарадорлиги ва молиявий барқарорлиги. Мижозларга кўрсатиладиган чакана хизматлар. Банк ишини ташкил этишнинг замонавий тенденциялари ва стратегиялари. Тижорат банкларида стратегик бошқарув. Банк хизматларини кўрсатишда стратегик маркетинг. Банкларнинг инвестиция фаолияти.

Тижорат банкларида инновацион банк хизматларини такомиллаштириш ва улар фаолиятини самарали олиб бориш. Электрон банк тизими ва масофадан хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришдаги муаммолар ва унинг амалий ҳолати. Иқтисодиётнинг модернизациялаш шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини бошқариш тактикаси ва стратегияси. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банлари активларини бошқариш сиёсати. Истемол кредитида скоринг тизимини жорий этиш ва бошқариш.

6.2. Халқаро банк иши ва молия.

Халқаро молия хусусиятлари. Халқаро молия ва халқаро тақрор ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги. Халқаро молия тизимининг афзалликлари.

Халқаро молия муносабатлари ва валюта тизимининг асосий ҳусусиятлари. Валюта тизими тушунчаси ва қўринишлари. Валюта тизимининг элементлари. Жаҳон валюта тизимининг эволюцияси. Жаҳон валюта тизимларининг ўзига хос ҳусусиятлари. SDR ва бошқа халқаро ҳисоб пулларининг жаҳон валюта тизимидағи ўрни. Захира валютанинг афзаллик ва камчиликлари.

Халқаро вакиллик муносабатлари. Ваколатхона ва агенликлар. Шўба банклар ва филиаллар. Кўшма банкларни ташкил этиш. Эдж корпорациялар. Халқаро банк бирликлари.

АҚШ банк тизимининг ривожланиши. ФЗТнинг ташкилий тузилмаси. Европа иттифоқининг вужудга келиши. Европа марказий банклар тизими. Европа тўлов тизими. Япония банк тизимининг ривожланиши ва ўзига хос ҳусусиятлари. Япония банкининг фаолияти.

Мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришда халқаро молия институтлари ва улар билан бөглиқ масалалар. Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди билан алоқаларини ривожлантиришдаги муаммолар. Ўзбекистонни халқаро молия институтлари билан ҳамкорлиги ривожлантириш стратегияси. Жаҳон тараққиёт ва тикланиш банкининг халқаро фаолиятининг асосий йўналишлари.

6.3. Замонавий пул-кредит сиёсати.

Замонавий пул-кредит сиёсатга таъсир қилувчи асосий омиллар. Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш омили. Фискал сиёсатнинг замонавий пул-кредит сиёсатга таъсири. Сиёсий омилнинг замонавий пул-кредит сиёсатга таъсири.

Замонавий пул-кредит сиёсатнинг инструментларини туркумлаш хусусидаги мунозарали қарашлар. Монетар сиёсатнинг анъанавий инструментлари ва уларнинг амал қилиш механизми. Захира тушунчаси ва шакллари. Расмий олтин-валюта захираларининг мазмуни ва вужудга келиш шарт-шароитлари. Расмий олтин-валюта захиралари ривожланишининг тенденциялари. Олтиннинг жаҳон иқтисодиётида тутган ўрни. Захираларнинг функциялари. Олтин-валюта захираларини бошқариш. Олтин-валюта захираларига тенглаштирилган фондлар.

Замонавий пул-кредит сиёсатнинг тактик мақсадлари. Замонавий пул-кредит сиёсатнинг «оралиқ мақсад»ини танлаш. Инфляция кўрсаткичидан «оралиқ мақсад» сифатида фойдаланиш: тартиби, афзалликлари, камчиликлари, амалиётда қўллаш тажрибаси. Миллий валютанинг алмашув курсидан «оралиқ мақсад» сифатида фойдаланиш: тартиби, афзалликлари, камчиликлари, амалиётда қўллаш тажрибаси. Пул массасининг ўсиш кўрсаткичидан «оралиқ мақсад» сифатида фойдаланиш: тартиби, афзалликлари, камчиликлари, амалиётда қўллаш тажрибаси.

6.4. Инвестиция сиёсати.

Инвестицион фаолиятни тартибга солишда давлатнинг роли. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини ошириш ҳамда инвестиция сиёсатини такомиллаштириш. Давлат инвестиция сиёсатининг моҳияти, уни тартибга солиш йўналишлари ва тамойиллари хақида тушунчалар. Давлат инвестиация сиёсатини фаоллаштириш кўникмаларини шакллантириш. Ўзбекистонда худудий инвестиция сиёсатини ташкил этиш. Инвестиция сиёсати соҳасида амалий таҳлиллар ва илмий изланишлар олиб бориши. Инвестицион муҳитга таъсир этувчи омиллар ва инвестицион жозибадорликни баҳолаш тартиблари бўйича таҳлилий амалларни қўллаш. Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш. Корхоналарнинг инвестицион сиёсати. Инвестицион лойиҳаларни иқтисодий баҳолаш. Инвестиция сиёсатини такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чикиш.

VII. Малакавий аттестация

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўкув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), якуний тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўкув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўкув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Мустақил малака ошириш қўйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар гурухи учун 1 та очик дарс ўтказади. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

II. Норматив-хуқуқий хужжатлар

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Ниҳол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Account 2015. - 134 pp.

27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.

30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572 b.
32. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
33. Tay Vaughan. Multimedia: Making it Work.- USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.
34. Ray Bert Westerfield. Banking principles and practice. –UK: Nabu Press. 2014

IV. Интернет сайтылар

- 35.www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
- 36.www.edu.uz.-Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги:
- 37.www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
- 38.www.aza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
- 39.www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
- 40.www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
- 41.www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.
- 42.www.beri.com. (Business Environment Risk Intelligence)
- 43.www.cer.uz (Цент экономических исследований)
- 44.www.ebrd.com (The European Bank for Reconstruction and Development)
- 45.www.ecb.int (The European Central Bank)
- 46.www.forexite.com (Безопасный Форекс / Forexite)
- 47.www.gold.org (The World Gold Council)
- 48.www.imf.org (International Monetary Fund)

"ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН":

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини оширишни ташкил этиш
Бош ишмай-методик маркази

Директор Г.Н. Номарсанов

" "

М.У.

Тошкент дарзат инженерия университети

Ректор

Б.Ю. Ходисев

" "

201_ й.

Тошкент дарзат инженерия университети
муҳоридаги педагог кадрларини қайта
тамерланш ва уларнинг малакасини ошириш
тармоқ маркази

Директор

Г.Н. Ахунова

" "

201_ й.

М.У.

"КЕЛИШИЛГАН":

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини
oshiришни ташкил этиш хамда
мувоғиқлаштириш бошкармаси

Бошкарма бошлиги

Ф.Т.Эсонбобоев

" "

201_ й.

М.У.